

БАЛОҒАТ ИЛМИДА КИНОЯ ВА ТАШБИХГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ НА КИНА:ЯА И ТАШБИХ В НАУКЕ БАЛЯГА

THEORETICAL VIEWS ON KINA:YA AND TASHBIH IN THE SCIENCE OF BALAGHAN

Salima RUSTAMIY

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,

doctor of science DSc, docent of the department Uzbek
language and classical oriental literature.

s.rustamiy@iiu.uz

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2022/2/1

Аннотация. Бугунги кунда жаҳон тилишунослиги ва адабиётшунослигида балоғат илмининг тарихи, тузилиши, аҳамияти, истилоҳлар маъноси, баъдий воситаларнинг қўлланиш усулларини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Ўрта аср ислом алломалари асарларида балоғат илмининг таркибий қисмларидан бири баён илми фикрни очиқ-ойдин, аниқ ифодалаш усулларини ўрганиши таъкидланган. Айрим мутахассисларнинг фикрича «баён» ва «балоғат» сўзларини айнан бир маънода қўллаш ҳам мумкин. Яъни иккала истилоҳ ҳам мусулмон шарқи илмлар таснифида нутқ санъатининг энг юқори даражаси, фасоҳат ва камолот чўққисига кўтарилган ҳолати сифатида ҳам қаралган.

Мазкур мақолада баён усулларидан бўлган киноя ва ташбиҳнинг хусусиятлари Абу Ёқуб Юсуф Саккокий, Абдулрахмон Қазвиний ва Атоуллоҳ Хусайний каби олимларининг балоғат илмига оид асарлари асосида тадқиқ қилинган. Мақолада киноя ва ташбиҳнинг таърифи, уларнинг таркиби ва турлари масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Киноя ва ташбиҳнинг хусусиятлари араб олимлари томонидан илк ўрта асрлардан бошлаб ўрганила бошланган. Олимлар кинояни сифат, мавсуф ва нисбат, қариба ва баъида турларга ажратганлар. Шунингдек, араб тилида балоғат илмининг шаклланишида муҳим ўрин тутган Абу Ёқуб Юсуф Саккокий киноянинг таъризи, талвиҳ, рамз ва ишора турларини кўрсатиб ўтган. Кейинги олимлар бу борада уларнинг фикрларини ривожлантирганлар.

Мақолада шунингдек, энг кўп қўлланиладиган санъат турларидан ҳисобланувчи ташбиҳнинг рукнлари, турлари кўрсатилган. Ташбиҳнинг хусусиятларига кўра таснифлари, турлари ва номлари балоғат илмининг ривожланиши давомида маълум даражада ўзгариб борган. Ташбиҳ ўқишовчи ва ўқиштилувчининг хусусиятларига кўра

ҳиссий ва ақлий, муфрад ва мураккаб, малфуф (ўралган), мафруқ (ажратилган), тасвия (тенглаштирилган), жамъ (тўпланган) турларга ажратилади. Ўқиш жихатида кўра ҳақиқий ва ҳаёлий; муфрад, мураккаб, мутаъаддид; ҳиссий ва ақлий; тамсильий ва гайритамсильий; муфассал ва мужмал; қариб муфтазал ва ғариб баъид қисмларга бўлинган. Ўқишнинг воситасига кўра мурсал, муаккад ва ташбиҳнинг мақсадларига кўра мақбул ва мардуд қисмлари мавжуд. Мақолада балоғат илмида ташбиҳнинг рукнлари иштирокига кўра саккиз тури, мартабаларига кўра уч тури, маъносига кўра етти тури ишлангани далилланган.

Калит сўзлар: балоғат илми, киноя, муканна ёнху, макний ёнху, муканна биҳи, макний биҳи, таъризи, талвиҳ, рамз, ишора, ташбиҳ, мушаббах, мушаббах биҳи.

Аннотация. В современном мире в языкознании и литературоведении возрастает интерес к изучению истории, структуры, значения терминов, способов применения художественных средств науки о баяге. В работах средневековых исламоведов подчеркивается, что наука о баян, являясь одной из составляющих науки о баяге, изучает способы ясного и лаконичного выражения мыслей. По мнению некоторых специалистов, слова «bayān» и «balāḡa» могут употребляться в одном и том же значении. Иными словами, оба термина рассматриваются в классификации мусульманских восточных наук как высшая ступень искусства речи, состояние восхождения к вершине красноречия. В статье изучены особенности kīnaya и tashbih, которые являются приемами bayān, на основе работ таких ученых, как Абу Якуб Юсуф Саккоки, Абдулрахман Казвини и Атауллах Хусейни. В статье особое внимание уделено определению kīnaya и tashbih, их составу и видам.

Особенности kīnaya и tashbih изучались арабскими учеными с раннего средневековья. Ученые разделили kīnaya на mavsuf и nisbat, qarib и baid. Абу Якуб Юсуф Саккоки, сыгравший важную роль в становлении науки баяга в арабском языке, показал такие виды kīnaya, как ta'riz, talvih, ramz и ishara. Последующие ученые развили идеи по этому вопросу.

В статье также показаны виды tashbih, которые считаются наиболее распространенными в художественной литературе. Классификации tashbih по его видам и названиям несколько изменились в процессе развития баяга. Tashbih по свойствам mushabbah и mushabbah bihi делится на типы – xissiy и 'aqliy, mufrad и murakkab, malfuf (завернутый), mafriq (разделенный), tasviya (уравновешенный), jam' (собранный). По сходству были выделены такие части, как haqiqiy и xayoliy; mufrad, murakkab, muta'addid; xissiy и 'aqliy; tamsiliy и gayritamsiliy; mufassal и mujmal; qarib mubtazal и garib ba'id. По способу уподобления различают части, называемые mursal, muakkad, и части maqbul (приемлемый), и mardud в соответствии с целями tashbih. В статье говорится, что в баяге использовались восемь видов tashbih по их участию, три вида по их степени и семь видов по их смыслу.

Ключевые слова: наука баяга, кинайя, муканна анху, муканна биҳи, таъризи, талвиҳ, рамз, ишара, ташбиҳ, мушаббах, мушаббах биҳи.

Abstract. *In contemporary linguistics and literary criticism, there is a growing interest in studying the history, structure, significance, and the use of terms and methods of application of artistic means of the science of balaghah. In the works of medieval Islamic scholars, the science of bayan is one of the components of the science of balaghah (the ways of expressing ideas clearly and accurately). According to some scientists, the words bayan and balaghah can be used in the same definition. Both terms are considered in the classification of Muslim Eastern sciences as the highest level of the art of speech, the peak of eloquence and perfection.*

In the article, the features of kinaya and tashbih, which are the methods of bayan, have been studied based on the works by such scholars as Abu Yaqub Yusuf Sakkoki, Abdurrahman Qazvini, Ataullah Husseini. The article pays special attention to the definition of kinaya and tashbih, their structure, and compositional types.

The peculiarities of kinaya and tashbih have been studied by Arab scholars since the early Middle Ages. Scholars have divided kinaya into mavsum and nisbat, kariba and ba'ida. Abu Yaqub Yusuf Sakkoki (who played a key role in the formation of the science of balaghah in Arabic) showed such types of kinaya as ta'riz, talvih, ramz, and ishara. Subsequent scholars have developed ideas on the subject.

The article also shows the types of tashbih which are considered to be the most widely used ones in literary art. The classifications of tasbih according to its characteristics, types, and names have changed to some extent during the development of balaghah. Tashbih consists of emotional and mental, mufrad and complex, malfuf (wrapped), mafruq (separated), tasviya (equalized), and jam (collected) types according to the ways of being likened and likening things. There have been distinguished such parts as the real and fantastic; mufrad, complex, muta'addid; emotional and mental; tamsili and non-tamsili; detailed and obscure; qarib muftazal and garib ba'id. According to the means of likening there are the parts called mursal, muakkad, and the parts maqbul (acceptable), and mardud according to the purposes of tasbih. In balaghah scholars used eight types of tasbih according to their participation, three types according to their grade, and seven types according to their meaning.

Keywords: *balaghah, kinaya, mukanna anhu, makniy anhu, mukanna bihi, makniy bihi, ta'riz, talvih, ramz, ishara, tashbih, mushabbah, mushabbah bihi.*

КИРИШ

Жаҳон цивилизацияси ривожда аниқ фанлар билан бир қаторда тафсир, фикх, ақоид, адаб масалаларини (Акmalxonov, A., 2021:229; Nasirova, M., 2020:118; Rustamiy, S., 2019:14; Nig'monov, A., 2020:185) қамраб олган Қуръон илмлари ҳам муҳим мавқега эга бўлди. Адаб илмларидан ҳисобланган балоғат илмига IX асрнинг биринчи ярмида Абу Убайда (728-824) «Мажозу-л-Қуръон» асари билан асос солган. Бу илм такомиллашиб борди ва XII асрда хоразмлик олим Абу Ёқуб Юсуф ас-Саккокий (1160-1229) маъоний, баён, бадий илмларини бир

тизимга тушириб, «балоғат илми» деб атади (Al-Jurjoniyy, Abd al-Qahir, 2010; Al-Sakkaki, Y., Is'hoqov, Y., 2006; Kudelin A., 1983; Kudelin, A.B., 1984; 2014; Мирафзалов, М., 1996; Rustamiy, S., Lutfullaeva, D., & Gulomova, H., 2020). Мазкур илм араб, форс, туркий халқлар орасида кенг тарқалган. Бир неча аср давомида аждодларимиз томонидан ўқиб-ўрганилган балоғат илмида мавжуд назарий қарашлар, хусусан маъно кўчиши ҳодисасига асосланган киноя ва ташбиҳ усуллари бугунги кун тилшунослиги ва адабиётшунослигида ҳам долзарблик касб этади.

УСЛУБЛАР

Араб олимлари сўзларнинг бир маъноли ва кўп маъноли бўлишини айтиб ўтганлар. Улар сўзларнинг кўп маънолилиги айтиб бир сўзнинг турли жойларда турли предмет ва ҳодисаларни англатишидан ҳосил бўлишини таъкидлаганлар. Сўзларнинг тўғри ва кўчма маъноларга эга бўлишини айтиб, кўчма маъно ҳосил бўлишининг ўн икки усули ишлаб чиқилган.

Маъно кўчиши ҳодисасининг маҳсули замонавий тилшуносликда «кўчма маъно» деб юритилади. «Лексик маънонинг тараққиёти одатда бир предметнинг, белгининг, ҳаракатнинг номини бошқа бир предметга, белгига, ҳаракатга кўчириш йўли билан содир бўлади. Бундай кўчиришларнинг характери, мавқеини ҳар бир тилнинг ўзидаги семантик қонуниятлар белгилайди.

Нутқда кўчма маъно орқали таъсирчанликка эришишга оид қарашлар балоғат илмининг баён бўлимига кирувчи ташбиҳ, мажоз, киноя каби усуллар орқали амалга оширилиши баён қилинган.

НАТИЖА

Тилнинг эстетик таъсири ва бадий тузилишига оид назарий қарашлар араб дунёсида балоғат илмининг вужудга келиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Бугунги кунда балоғат илмининг тарихи, тузилиши, аҳамияти, истилоҳлар маъноси, бадий воситаларнинг қўлланиш усулларини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда (HojiAhmedov, A., 1998; Gulomova, H. 2020:348; Mamajonov, A., Ibragimova, E., 2000; Mullasodiqova, N., 2003; Shoaliyeva, N., 2019:145). Мазкур мақолада балоғат илми олимларининг киноя ва ташбиҳнинг таърифи ва турларига оид қарашларини ёритиш орқали мусулмон шарқ халқлари адабиёти назариясининг шаклланиши Марказий Осиёда IX-XII асрларда рўй берган биринчи ренессанс даврига тўғри келиши таъкидланган.

ТАҲЛИЛ

Кинояга доир назарий қарашлар. كناية «kina:ya(tun)» сўзи арабча «كناية knu» ўзагидан ясалган «كانا kana» (1. лақаб қўймоқ, ном бермоқ; 2. ишора билан билдирмоқ; шама қилмоқ) феълнинг ҳаракат номи (масдари)дир. Маъноси – белги, ишора.

Киноянинг истилоҳдаги маъноси ҳақида араб олимлари шундай дейдилар, Ибн Манзур (Ibn Manzur, 2007):

الكناية أن تتكلم بشيء وتريد غيره وكناية عن الأمر بغيره يكني كناية يعني إذا تكلم بغيره مما يستدل عليه.

Яъни, бирор нарсани гапириб, бошқасини назарда тутсанг – киноя. Иш, ҳолатга ўзидан бошқа ном берилади. Киноя қилиш ўшанга далолат қиладиган бошқа (нарс)ни гапиришни билдиради.

Муҳаммад Ҳусайний (XVI a.) (Al-Zubaydi, M., 2006):

الكناية: أن تتكلم بشيء وأنت تريد به غيره.

Яъни: – бир нарсани гапириб, бошқасини назарда тутсанг киноя (бўлади).

Абу Ёқуб Юсуф Саккокий (XI a.) (Al-Sakkaki, Y., 2014):

الكناية هي ترك التصريح بذكر الشيء على ما ذكر ما يلزمه لينقل من المذكور على المتروك.

Яъни: керак бўлган нарсга очиқ-ойдин ифодаланмайди, балки бошқа бирор нарсани айтиш орқали билдирилади, керакли маъно айtilган лафздан айtilмаганга ўтиши керак.

Жалолиддин Муҳаммад бин Абдуррахмон Қазвиний (XVI a.) (Qazwini, J., 1998):

الكناية لفظ أريد به لازم معناه مع جواز إرادة معناه حينئذ...

Яъни, киноя – сўзнинг керакли маъноси исталган пайтда ўша маънони ифодалаш мумкин бўлган сўз.

Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг таърифи қуйидагича: «ани баъзида ирдоф ҳам дерлар ва ул андин ибораттурким, бир маънони анга лозиму тобиъ маъно учун ясалган лафз била ул тарзда таъбир қилурларким, агар ул лафзнинг ўз ясоғин ирода қилсалар ҳам раво бўлур» (Husayniy, A., 1981).

Буни араб олимлари «طويل النجاد» мисол орқали изоҳлайдилар: «Муҳаммад, узун, қиличбоғ» сўзлари қўлланган жумлани «أن نجاد محمد طويلاً» «أن» яъни «Муҳаммаднинг қиличбоғи узундир» ёки «أن» «أن» «محمدًا طويل القامة» (Hasan, Abd al-Rahman, 2018), яъни «Муҳаммад баланд бўйлидир» тарзида тушуниш мумкин. Булардан биринчиси жумланинг ҳақиқий маъносини, иккинчиси унинг бошқа маъносини ифодалайди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам жумла маънога эга ва у тўғри ҳисобланади, лекин у кинояда қўлланганда иккинчи маънога ишора қилинади.

Кинояда айtilган лафз «муканна ғанху» ёки «макний ғанху», назарда тутилгани «муканна биҳи» ёки «макний биҳи» деб номланади.

Олимлар кинояни сифат, мавсуф ва нисбат турларга ажратадилар.

Баъзан киноя сифат орқали бўлиб, мавсуф (сифатланувчи) назарда тутилади, масалан, فلان نظيف (сўзма-сўз: Фалончи – қўли тоза) мисолида «نظيف» сифатли бирикма орқали сифатланувчининг айбсиз, ҳалол эканига ишора қилинмоқда ва бу ибора «фалончи ҳалол одам» маъносини англатади. Шунингдек, ислом тарихида الصديق – ас-Сиддик, яъни «ростгўй» сифати Абубакр (р.а.)га, الفاروق – ал-Форук, яъни «донишманд» сифати Умар (р.а.)га берилгани маълум (Naif al-Shahud, A.) ва улар қўп ҳолларда ўз исмлари ўрнига юқоридаги сифат-сўзлар билан аталганлар. Демак, бир кишига берилган сифат унинг эгаси, яъни сифатланувчига ишора қилади.

فَمَسَاهُمْ وَبُسْطُهُمْ حَرِيرٌ وَصَبَّحَهُمْ وَبُسْطُهُمْ ثَرَابٌ.

Мутанаббийдан келтирилган бу байтни шундай шарҳлайдилар: улар кеч кирганда ипакка ётдилар, тунда уларни ўлдирдилар, ҳатто тонгда тупрокка қордилар (Wahidi, Ali). «وَبُسْطُهُمْ حَرِيرٌ» «гиламлири ипак»дан жумласи орқали улар ҳужумга учрашларидан олдин иззат-икромда бўлганликларига ишора қилинса, «بُسْطُهُمْ ثَرَابٌ» «гиламлири тупроқ» жумласи воситасида улар ҳужумдаги мағлубиятдан сўнг ночор аҳволда қолганлари ифодаланади. Икки ҳолатда ҳам киноя сифат билан амалга оширилган (Hasan, Abd al-Rahman, 2018).

Киноянинг мавсуф турида сифатланувчи орқали сифатга ишора қилинади, масалан, دار السلام – «Дору-с-салом» деганда Боғдод, طيبة – «Тоййиба» деганда Мадинаи мунаввара тушунилади. هو حارس على ماله (сўзма-сўз: У моли устида қўриқчи) ибораси мол тўплаб, ундан фойдаланмайдиган бахилга нисбатан айтилади ёки шу маънода ابض يده (сўзма-сўз: қўли сиқилган) ибораси ҳам ишлатилади (Naif al-Shahud, A.) ва бу кинояларда сифатланувчи орқали унинг сифати ифодаланган.

Нисбат билан ифодаланган кинояда бир иш бошқасига нисбат қилиб ёки сифатланувчининг сифатига нисбатан айтилади. Масалан, العر في بيته (сўзма-сўз: иззат-икром унинг уйида) иборасида «иззат-икром» уйга эмас, шахсга нисбатан айtilган. Ёки عين هذا الرجل (сўзма-сўз: бу кишининг кўзи тўла заковат) ибораси кишининг ақлли, зийрак эканига ишора қилади (Naif al-Shahud, A.). Бу ерда сифатланувчи «киши»га унинг сифати «заковатлик» нисбат қилинган.

Киноя қариба (яқин) ва баъида (узоқ) турларга бўлинади.

Қариба кинояда муканна биҳи ва муканна ғанху орасидаги восита кам бўлади. Бу киноя очиқ бўлиб, унда мақсадни англаш осон. Масалан, «فلان ثوبه طويل» «(фалончининг кийими

узун, бош кийими катта ва поймафзали кенг») ибораси «у баланд бўйли, катта бошли, катта оёқли» ёки «унинг бўйи баланд, боши ва оёғи катта» маъносини англатади.

Баъида киноя – одатда кўплаб масалларда бу киноянинг яширин тури учрайди, у чуқур фикрлаш орқали англанади, бу кинояда муканна бихини муканна ʻанхуға боғлайдиган воситалар кўп бўлади. Унинг очик киноя тури ҳам мавжуд. Масалан, «فراغ العين» («берилиш», «кўз») сўзларининг бирикмаси) ибораси билан ҳасад киноя қилинади. Маълумки, «ҳасад» нарсаларни томоша қилишни яхши кўришдан йироқ бўлган зарурат. Чиройли нарсани кўрган киши уни ёқтириб қолиши, ёқтириб қолгач унга эришишни хоҳлаши, хоҳиш туфайли ҳасад қилиши мумкин. Бу мисолда ҳасадга олиб келувчи восита бир қанча. Лекин «فراغ العين» иборасининг «ҳасад»га киноя тарзида ишлатилиши уни қўллашдан кўзланган мақсадни яширмайди (Hasan, Abd al-Rahman, 2018).

Саккокий кинояни таъриз, талвиҳ, рамз ва имо ёки ишора турларга ажратади (Al-Sakkaki, Y., 2014).

Агар келтирилган калом айтилгандан бошқа нарсага далолат қилса ва бу нарса вазият орқали билиб олинса, таъриз бўлади. Масалан (Naif al-Shahud, A.):

«المُسْلِمُ مَنْ سَلَّمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ» («Муслим мусулмонларга тили ва қўли билан яхшилик қилувчидир») орқали ислом ёмоннинг сифатини инкор қилиши назарда тутилган.

Муканна бихи ва муканна ʻанху орасидаги воситалари кўп бўлган киноя талвиҳ деб аталган. «Талвиҳ»нинг луғавий маъноси – бошқага узоқдан ишора қилиш. Масалан, «فَلان كَثِيرُ الزَّمَادِ» («фалончининг кули кўп») ибораси меҳмондўст кишига нисбатан ишлатилади. Кулнинг кўп бўлиши кўп олов ёқилишига, оловнинг кўп ёқилиши кўп емак пиширишга, бу эса еювчиларнинг кўплигига, бирор бадавий кимса ҳузурида еювчиларнинг кўп бўлиши унинг меҳмонларни самимий кутиб олишига ва, ниҳоят, ўша кимсанинг саҳий меҳмондўст эканига далил бўлади (Hasan, Abd al-Rahman, 2018). Кўриниб турганидек, бирор кишининг кули кўплигига ишора қилиш билан унинг меҳмондўстлигини англаш бир қанча восита орқали амалга ошди.

Киноянинг рамз турида муканна бихи ва муканна ʻанху орасидаги воситалар кам бўлади, бунда киноя яширин бўлиши керак. Масалан, «тентаклик» тушунчаси «عريض القفا» («кенг энса») ёки «عريض الوساد» («кенг ёстик») иборалари орқали ифодаланганда, «энсаси кенг киши, одатда, калтафаҳм бўлади ва энса кенг бўлгач, ухлаганда кенг ёстикқа эҳтиёж сезади» деган тасаввурга асосланган (Hasan, Abd al-Rahman, 2018). «Рамз»нинг луғавий маъноси

ўзига яқин турган нарсага яширин тарзда ишора қилишдир.

Имо ёки ишора – киноянинг муканна бихи ва муканна ʻанху орасидаги воситалар кўп ҳам, яширин ҳам бўлмайдиган тури (Hasan, Abd al-Rahman, 2018). Масалан, Абу Таммам туянинг таърифида унинг зиёрати орқали Абу Саъиднинг саҳийлигига очик-ойдин, яширмай ишора қилади:

أَبْنَيْنَ فَمَا يَزُرُنْ سَوَى كَرِيمٍ وَحَسْبُكَ أَنْ يَزُرُنْ أَبَا سَعِيدٍ

Бу каби очик киноялар ўз табиатига мос равишда имо ёки ишора деб аталган. Чунки «имо» ёки «ишора»нинг луғавий маъноси очик-ойдин ишора қилишни англатади.

Ташбихга доир назарий қарашлар. Ташбих биринчи бор баён илми зикр этилган «Мажозу-л-Қуръон» китобининг яратилишига сабаб бўлган.

Араб балоғатида ташбихга берилган дастлабки таърифлардан бири Абу Абдуллоҳ Хоразмий томонидан «Мафотиҳу-л-улум» асарида келтирилган:

التشبيه: تمثيل الشيء بالشيء.

Яъни: Ташбих – бир нарсани бошқасига ўхшатиш (Ziyovuddinova, M., 2001:47).

Юсуф Саккокий ташбих ҳақидаги назарий фикрларни ривожлантиради ва унинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда кенгроқ ва аниқроқ таъриф беради:

وَأَن التَّشْبِيهَ مُسْتَدْعٍ لِّطَرَفَيْنِ مُشَبَّهٍ وَمُشَبِّهٍ بِهِ وَاسْتِثْنَاكَ بَيْنَهُمَا مِنْ وَجْهِ وَافْتِرَاقًا مِنْ آخَرٍ مِثْلَ أَنْ يَشْتَرِكَا فِي الْحَقِيقَةِ وَ يَخْتَلِفَا فِي الصِّفَةِ وَ بِالْعَكْسِ (Al-Sakkaki, Y., 2014).

Яъни: Ташбих бир жиҳатдан муштарак бўлиб, бошқа жиҳатдан фарқ қилувчи икки тараф - мушаббаҳ ва мушаббаҳ бихни талаб қилади. Улар ҳақиқатда умумийликка эга бўлиб, сифатида фарқ қилиши ёки аксинча бўлиши мумкин. Бунга мисол тарзида бўйининг баланд ва пастлиги, яъни ҳақиқатда фарқланмай, сифати билан фарқ қиладиган «икки инсон»ни, ҳақиқатда инсон ва отлиги билан фарқ қилувчи, лекин сифатда бир хил бўлган «икки баланд бўйли»ни келтиради.

Биринчи тасниф унинг таркиб қисмлари, яъни рукнларига асосланган. Ташбихнинг рукнлари тўртта, яъни мушаббаҳ – ўхшатиловчи, мушаббаҳ бих – ўхшовчи, важҳу-ш-шибҳ – ўхшаш жиҳати ва одоту-т-ташбих – ўхшатиш воситаси (ёки бу қисм «калимату-т-ташбих» – «ўхшатиш сўзи» деб ҳам номланади) бўлиб, бу борада ҳозиргача араб ва ажам олимлари орасида ихтилоф бўлмаган.

Юсуф Саккокий ташбихни унинг тўрт жиҳати, яъни ўхшовчи ва ўхшатиловчи (икки тараф, яъни (طرفان), ўхшаш жиҳати (الشبه وجه), ўхшатиш воситаси (أداة) ва ташбихнинг мақсадлари асосида ўрганади. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ташбихнинг айрим хусусиятлари бўйича таснифлар, уларнинг турлари

ва номланиши араб баҳоғатининг ривожланиши жараёнида ўзгариб борган.

Жумладан, ўхшовчи ва ўхшатиловчининг хусусиятларига кўра ҳиссий ва ақлий, муфрад ва мураккаб, малфуф (ўралган), мафрук (ажратилган), тасвия (тенглаштирилган), жамъ (тўпланган) турларга ажратилади. Ўхшаш жиҳатига кўра ҳақиқий ва ҳаёлий; муфрад, мураккаб, мутаъаддид; ҳиссий ва ақлий; тамсилий ва ғайритамасилий; муфассал ва мужмал; қариб мубтазал ва ғариб баъид қисмларга бўлинган. Ўхшатиш воситасига кўра мурсал, муаккад ва ташбиҳнинг мақсадларига кўра мақбул ва мардуд қисмлари мавжуд (Қаранг: Awni, H., 2018:94-56; Sharifov, Z., 2002:30-52).

Саккокий ташбиҳнинг рукнлари, яъни таркибий қисмлари иштирокига кўра саккиз турини زيد كالأسد (Зайд жасурликда шер кабидир) мисолида кўрсатиб ўтади (Қаранг: Ziyovuddinova, M., 2001:48-49). Булар: 1) барча рукнлар иштирок этади; 2) мушаббаҳ иштирок этмайди, яъни كالأسد (Жасурликда шер кабидир); 3) одату-т-ташбиҳ иштирок этмайди, яъни زيد أسد في الشجاعة (Зайд жасурликда шердир). 4) мушаббаҳ ва одату-т-ташбиҳ иштирок этмайди, яъни أسد في الشجاعة (Жасурликда шердир); 5) важху-ш-шибх иштирок этмайди, яъни زيد كالأسد (Зайд шер кабидир); 6) мушаббаҳ ва важху-ш-шибх иштирок этмайди, яъни كالأسد (Шер кабидир); 7) одату-т-ташбиҳ ва важху-ш-шибх иштирок этмайди, яъни زيد أسد (Зайд шердир); 8) фақат мушаббаҳ бихдан иборат бўлади, яъни كالأسد (Шер). Бу турни кўп олимлар истиора деб атайдилар.

Ташбиҳнинг кучли ёки заифлигида рукнларнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга. Шуни эътиборга олган олимлар ташбиҳни мартабаларига кўра уч гуруҳга ажратганлар (Қаранг: Awni, H., 2018:110-111). Булар: 1. Олий мартаба. Бундай ташбиҳ юқоридаги таснифнинг учинчи турида зикр қилинган زيد أسد (Зайд шердир) каби ўхшатиш воситаси ва ўхшаш жиҳатининг тушиб қолишдан ҳосил бўлади. 2. Ўрта мартаба. Унда ташбиҳнинг ёки ўхшаш жиҳати, ёки ўхшатиш воситаси тушиб қолади, زيد كالأسد (Зайд шер кабидир) ёки زيد أسد في الشجاعة (Зайд жасурликда шердир) каби. Юқоридаги таснифнинг иккинчи ва бешинчи турларига мос келади. 3. Қуйи мартаба. Бундай ташбиҳда ўхшатиш воситаси ва ўхшаш жиҳатлари тушиб қолмайди, яъни ташбиҳнинг барча рукнлари иштирок этади. Юқоридаги таснифнинг биринчи турига мос келади.

Ташбиҳнинг рукнлари билан боғлиқ бўлган бошқа турдаги таснифи ҳам мавжуд (Қаранг: Jarim, A., Amin, M., 1999:23-25):

- التشبيه المرسَل (мурсал ташбиҳ) – хоҳ лафзан, хоҳ тақдиран ўхшатиш воситаси иштирок этган ташбиҳ. Масалан, қуйидаги мисолда ك ўхшатиш воситаси:

زُرنا حديقة كأنها الفردوس في الجمال والبهاء (Ўзгаллик ва шукуҳда жаннатдек боғга бордик).

- التشبيه المؤكَد (муаккад ташбиҳ) – хоҳ лафзан, хоҳ тақдиран ўхшатиш воситаси тарк этилган ташбиҳ. Масалан: لجواد في السرعة بَرَقَ خاطِفٌ (От тезликда чақин чакмоқдир), бу ерда بَرَقَ خاطِفٌ (чақин чакмоқ) бирикмасига боғланиб келиши керак бўлган ўхшатиш воситаси қўлланмаган.

- التشبيه المجمل (мужмал ташбиҳ) – ўхшаш жиҳати тушиб қолган ташбиҳ. Масалан: العلم كالنور (Илм нур кабидир). Ушбу мисолда илм қайси жиҳати билан нурга ўхшатиш зикр қилинмаган.

- التشبيه المفصل (муфассал ташбиҳ) – ўхшаш жиҳати иштирок этган ташбиҳ. Масалан: الفاظه كالعسل (Сўзлари ширинликда асалдек) мисолида ширинлигига кўра ўхшаш экани кўрсатилган.

- التشبيه البليغ (балиғ ташбиҳ) – ўхшатиш воситаси ва ўхшаш жиҳати тушиб қолган ташбиҳ. Масалан: زيد أسد (Зайд шердир). سۇزي билан боғланиб келиши керак бўлган ўхшатиш воситаси ва ўхшатиш жиҳати қўлланмаган. Бу тур аввалги таснифдаги олий мартаба, яъни энг яхши ташбиҳга тўғри келади.

Рашидиддин Ватвот «Ҳадоиқу-с-сихр» асарида ташбиҳнинг التشبيه المطلق (ат-ташбиҳу-л-мутлақ – мутлақ ташбиҳ), تشبيه الكناية (ташбиҳу-л-киноя – кинояли ташбиҳ), التشبيه المشروط (ташбиҳу-л-машрут – машрут ташбиҳ), تشبيه النسوية (ташбиҳу-т-тасвийят – тасвийят ташбиҳ), تشبيه العكس (ташбиҳу-л-акс – акс ташбиҳ), تشبيه الاضمار (ташбиҳу-л-измор – измор ташбиҳ), تشبيه التفضيل (ташбиҳу-т-тафзил – тафзил ташбиҳ) каби етти турига тўхталади.

المطلق (мутлақ ташбиҳ). Бу борада Атоуллоҳ Ҳусайний ҳам Рашидиддин Ватвотнинг маълумотларига таянади ва мутлақ ташбиҳга шундай таъриф беради: «Ани ташбиҳ-и сарих ҳам дерлар ва ул каломда бир нимани бир нимага ўхшашликқа далолат қилғувчи лафз воситаси» (Husayniy, A., 1981:212) билан ўхшатишдир. Ҳусайний бу ўхшатиш шарт, тасвийят (тенглаштириш), акс, измор (беркитиш) ва тафзил (юқори қўйиш)сиз бўлиши кераклигини таъкидлайди ва араб тилидаги ўхшатиш воситалари таъкидлайди ва араб тилидаги ўхшатиш воситалари каби лафзлар эканини эслатади. Мисол тариқасида қуйидаги оятни келтиради: وَالَّذِينَ كَفَرُوا أَعْمَالُهُمْ كَسَرَابٍ بَاقِعَةٍ يَحْسَبُهُ الظَّمْآنُ مَاءً حَلًّى إِذَا جَاءَهُ لَمْ يَجِدْهُ سَائِلاً [Куфрда бўлганларнинг қилган амаллари эса саҳродаги саробга ўхшайди. Ташна одам уни сув деб ўйлар, унинг олдида келгач эса, ҳеч нарса топа олмас (Mansur, A., 2001:355).

Набавий каломдан келтирилган мисоллар: أصحابي كالنجوم بأيهم اقتديتم اهتديتم (Саҳобаларим юлдузлар кабидир, қай бирига эргашсанг тўғри йўлдан борасан); ...الناس سواء كاسنان المشط (Инсонлар тарок тишлари каби тенгдирлар).

Бу мисоллардаги مثل, ك (каби, мисли) лафзлари ўхшатиш воситасидир. Ташбиҳнинг бу тури

арабларда ат-ташбиху-л-мурсал номи билан ҳам аталади.

تشبيه الكناية (кинояли ташбих). Киноятли ташбихнинг таърифи бундай: «сўзлагучи ўз кўнглида бир нимани бир нимага ташбих қилур ва каломда ташбих одотин келтирмас ва мушаббаҳни мушаббаҳ бих лафзи била таъбир этар» (Husayniy, A., 1981:213), яъни ташбихда ўхшатиш воситаси ва ўхшовчи зикр қилинмайди. Масалан, шоир бармоғини тишлаб туриб йиғлаётган гўзални шундай таърифлайди:

فأمطرت لؤلؤا من نرجس فسقت وردا و عضت على الغناب باليزد

(Наргисдан дур ёғилиб, атиргул узра тушганда, у дўллар билан унноби эзиб турарди (Saydumarov, M., 1996:70). Бу байтда ўхшатиш воситаси ва ўхшовчилар – кўз, ёноқ, ёш, тиш ва бармоқ – лафз орқали ифодаланмаган.

المشروط (машрут ташбих). Рашидиддин Ватвот машрут ташбихни «бир нарсани бошқа нарсага бирор шартга асосан ўхшатадилар» (Watwot, R. 2009:132) деб таърифлайди. Бу ташбихда «бундай бўлса, ундай бўлади» қабилда шарт қўйилади. Мисол: هو كالبدر في ارتفاع قدره و كالبدر في اتساع صدره، لو أن البحر لا يتغير ماؤه و البدر لا ينتقص ضياؤه. (Агар денгиз ўз сувини ўзгартирмаса ҳамда ой зиёсини камайтирмаса, унинг кадри ой каби юксак, қалби денгиз каби кенг). Мисолда мушаббаҳнинг мушаббаҳ бихга ўхшаши учун денгиз ўз сувини ўзгартирмаслиги ва ой зиёсини камайтирмаслиги шарт қилиб қўйилган. Яна бир мисол:

عزمائه مثل النجوم ثواباً لو لم يكن للثقافات أقول (Watwot, R. 2009:142)

(Унинг истаклари, агар сўнмаса, порлок юлдузлар кабидир.) Бу байтда ўхшашлик бўлиши учун юлдузларнинг сўнмаслиги шарт қилиб қўйилган.

التسوية (тасвийят ташбих). Тасвийят ташбих деб аталувчи ташбихда икки нарса бир нарсага ўхшатилади ва унинг кўп қўлланидиган усули шуки, унда сўзловчи ўзидин бир ўхшатиловчи ва мақсад қилингандан бошқа ўхшатиловчи олади ва иккиси бир нарсага ўхшатилади. Мисол (Watwot, R. 2009:144):

صدغ الحبيب وحالي... كلاهما كالليالي و تغره في صفاء و أدمعي كاللالي

(Ёрнинг зулфию менинг ҳолим мисли тун, унинг тишларию менинг ёшларим мисли дур), бу байтда икки ўхшатиловчи – зулф ва ҳол тунга, тишлар ва кўз ёшлар дурга ўхшатилади.

Ташбихнинг бу тури арабларда жуда машхур бўлиб, бошқалардан фаркли томони шуки, унда мушаббаҳлар сони чегараланмайди.

العكس (акс ташбих). Акс ташбих ҳақида Атоуллох Хусайний шундай дейди: «Уни ташбих-и

маъқус ҳам дерлар ва бир нимани бир нимага ўхшатурлар дағи аксин қилиб ва иккинчисин биринчисига ўхшатурлар» (Husayniy, A., 1981:379). Мисол:

الراح مثل الماء في كأساتها و الماء الراح في الغدران (Watwot, R., 2009:146)

(Шароб қадахдаги сув мисол, сув ариқдаги шароб мисол).

Бу байтнинг биринчи сатридаги мушаббаҳ – الراح (шароб) ва мушаббаҳ бих – الماء (сув) иккинчи сатрда ўзаро ўрин алмашди ва ташбих-и аксини ҳосил қилди.

Атоуллох Хусайний ўз асарида Рашидиддин Ватвотнинг ташбихнинг яхшироғи ва маъқулроғи акс қилинган ташбих деган фикрини эслатиб ўтади. У бунга мисол тариқасида зулфни тунга ва тунни зулфга, ҳилолни от тақасига ва от тақасини ҳилолга қилинган ташбихларни келтиради. Унинг таъкидлашича, ўхшатиловчи ва ўхшовчининг ўхшаш жиҳати орасидаги тафовут ҳаддан ортиқ бўлмаслиги керак. Чунки бундай ташбих бир жиҳатдан маъқул бўлса-да, унинг акси маъқул бўлмаслиги мумкин.

تشبيه الاضمار (измор ташбих). Унинг таърифи: «... ташбих-и музмар ҳам дерлар ва андин ибораттурким, сўзлагучи каломда бир нимани яширин тарзда ташбих қилур, анинг каломининг зоҳир маъноси ул ташбихдин анинг мақсуди ул эмас, ўзга нимадек бўлур, аммо ҳақиқатта анинг мақсуди ўшул ташбих бўлур» (Husayniy, A., 1981:216). Мисол:

إن كان وجهك شمعاً فما لجسمي يذوب (Watwot, R., 2009:147)

(Сенинг юзинг шамъ бўлганда, менинг жисмим эриб битса не ажаб).

Рашидиддин Ватвот: «бу шеърда мақсад таажжуб бўлиб кўринса-да, ҳақиқатда юзни шамъга ўхшатишдир», дейди.

التفضيل (тафзил ташбих). Тафзил ташбихда сўзлагучи бир нарсани бошқа нарсага ташбих қилади ва ундан қайтиб, мушаббаҳни мушаббаҳ бихдан афзал деб билади. Мисол:

حسبته جماله بدرا مضينا و أين البدر من ذاك الجمال (Watwot, R., 2009:148) .

(Унинг жамолини ой деб ўйлаган эдим, ойда у жамол қани?!)

Келтирилган байтда шоир хуснни ойга ўхшати, сўнгра ўхшатиловчини ўхшовчидан гўзалликда устун қўйди.

Хусайний ташбих истиора каби оз сўз орқали кўп маъно ифодаланишига кўра ийжоз бобига мансуб эканини таъкидлайди.

Рашидиддин Ватвотнинг фикрича, ташбих у қадар гўзал ифодаланмаган бўлса ҳам, ўхшатиловчи ва ўхшовчи воқеликда бор бўлиши керак. Бу борада у воқеликда йўқ, фақат ҳаёлу тасаввурда бор бўлган нарсаларни ташбих қилувчи айрим шоирларнинг

ишларини қоралайди. Бундай ташбиҳга воқеликда мавжуд бўлмаган икки нарса – яшнаган кўмирни олтин мавжли мушқин денгизига ўхшатиладиганини мисол тариқасида келтиради (Watwot, R., 2009:138-139).

Ташбиҳ ўхшовчи ва ўхшатиловчининг хусусиятларига кўра ҳиссий ва ақлий, муфрад ва мураккаб, малфуф, мафруқ, тасвия, жамъ турларга ажратилади. Ўхшаш жиҳатига кўра ҳақиқий ва ҳаёлий; муфрад, мураккаб, мутаъаддид; ҳиссий ва ақлий; тамсилий ва ғайритамасилий; муфассал ва мужмал; қариб мубтазал ва ғариб баъид қисмларга бўлинган. Ўхшатиш воситасига кўра мурсал, муаккад ва ташбиҳнинг мақсадларига кўра мақбул ва мардуд қисмлари мавжуд.

ХУЛОСА

Демак, киноя ва ташбиҳнинг хусусиятлари араб олимлари томонидан илк ўрта асрлардан бошлаб ўрганила бошланган. Олимлар кинояни сифат, мавсуф ва нисбат, қариба ва баъида турларга ажратганлар. Шунингдек, араб тилида балоғат илмининг шаклланишида муҳим ўрин тутган Абу Ёқуб Юсуф Саккокий киноянинг таъризи, талвиҳ, рамз ва ишора турларини кўрсатиб ўтган. Кейинги олимлар бу борада уларнинг фикрларини ривожлантиридилар.

Шунингдек, ташбиҳ энг кўп қўлланиладиган санъат турларидан ҳисобланади. Ташбиҳнинг хусусиятларига кўра таснифлари, турлари ва номлари балоғат илмининг ривожланиши давомида маълум даражада ўзгариб борган. Балоғат илмида ташбиҳнинг рукнлари иштирокига кўра саккиз тури, мартабаларига кўра уч тури, маъносига кўра етти тури ишланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Akmalxonov, A. (2021). The views of Abu Yakub Sakkoki on the place of letters in words. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 229-232.
- Al-Jurjoni, Abd al-Qahir. (2010). *Al-nahw al-balagiy wa 'alaqatuhi bi-nazariyya al-nazm 'inda Abd al-Qahir al-Jurjoni*. Retrieved from <http://ali-mawassi.blogspot.com/2010/02/blog-post.html>.
- Al-Sakkaki, Yusuf (2014). *Miftah al-ulum*. Dar al-kutub al-ilmiyya.
- Al-Zubaydi, Murtada (2006). *Taj al-'arus min jawahir al-qamus*. Tabat al-Kuwayt.
- Awni, Homid (2018). *Al-mihaj al-wadih li al-balaga*. Al-maktaba al-azhariyya li al-turas.
- Hasan, Abd al-Rahman (2018). *Al-balaga al-'arabiyya asasuha wa 'ulumuha wa fununuha*.
- Hojiahmedov, A. (1998). *Poetic arts and classical rhyme*. Tashkent: Sharq.
- Husayniy, Atoulloh (1981). *Badoyi'u-s-sanoyi'*. Forschadan A. Rustamov tarjimas. Tashkent.: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at n-ti.
- Gulomova, H. (2020). On the Art of Afzali's Majma'ul-Masoil. *International journal of multidisciplinary research and analysis*. 2020(03). 348-357.
- Ibn Manzur (2007). *Lisan al-arab*. Al-Qahira: Dar al-maarif.
- Is'hoqov, Y. (2006). *So'z san'ati so'zligi*. Toshkent: Zarqaynar.
- Kudelin, A. B. (1984). *Konsepsiya kanona v srednevekovoy arabskoy poetike*. (Diss. ... dokt.filol. nauk.)
- Kudelin A.B. (1983). *Moskva. Srednevekovaya arabskaya poetika (vtoraya polovina VIII-XI vek.)*
- Jarim, A., Amin, M. (1999). *Al-balaga al-wadiha*. Al-bayan. Al-maani. Al-badi'. Al-Qahira.
- Mansur, Abdulaziz (2001). *Qur'oni Karim ma'nolarining tarjimas. Toshkent: Toshkent islom universiteti*.
- Mamajonov, A., Ibragimova, E. (2000). *Kinoya – sub'yektiv munosabat ifodalash usullaridan biri*. O'zbek tili va adabiyoti. 2000(4). 14-16.
- Мирафзалов, М. (1996). Саъуддин Тафтазоний ва балоғат илмлари. Шарқ машғали. 1996 (1-2). 37-39.
- Mullasodiqova, N. (2003). *Arab balog'at ilmida ta'kid vositalarini ishlatish qoidalari*. Sharqshunoslik. 2003 (2). 11-16.
- Naif al-Shahud, Ali. *Al-xulasa fi 'ulum al-balaga*. Retrieved from <https://www.noor-book.com>
- Nasirova, M. (2020). The signs and features of arabic non-declinable words. *The Light of Islam*, 2020(4), 117-125.
- Nig'monov, A. (2020). Rhythmic-syntactic parallelisms in old turkic poetry (by example of extract from «Devon lugati-t-turk»). *The Light of Islam*, 2020(1), 185-191.
- Qazwini, Jalal al-din (1998). *Al-idah fi 'ulum al-balaga*. Bayrut.
- Rustamiy, S., Lutfullaeva, D., & Gulomova, H. (2020). The Importance of Balagha Science in Aesthetic Education. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/ Egyptology*, 17(6), 8882-8886.
- Rustamiy, S. (2019). On significance of science of Balaghat in achieving linguisticaesthetic perfection. *The Light of Islam*, 2019(4), 14.
- Saydumarov, Murtazo (1996). *Haririy maqomalari*. Toshkent: Qomuslar bosh tahririyati.
- Shoaliyeva, N. (2019) «Seven stages in «Mantic ut-tyre» («The journey of logic») By Attar in Sukhrob Sipehri's poem «Adress», *The Light of Islam*: 2019(4), 145-153.
- Sharifov, Zokir (2002). *Arab tili. Balog'at fanidan ma'ruzalar matni*. Toshkent: Movarounnahr.
- Wahidi, Ali bin Ahmad Ali. *Sharh diwan al-Mutanabbi*. <http://www.shamela.ws>
- Watwot, Rashid al-din (2009). *Hada'iq al-sihr fi da'iq al-shi'r*. T. 2. al-Qahira.
- Ziyovuddinova, Muxlisa (2001). *Abu Abdulloh al-Xorazmiyning «Mafotih al-ulum» asarida poetika*. (Aruz, qofiya, badiiyat ilmi istilohlari tarixiga oid). Tashkent.